

## **Шаҳар ва қишлоқларда замонавий уй-жойлар қурилиши кўлами**

*Доцентлар И.С.Саттаров, С.Матъязов, ассистент С.А.Носирова,  
магистрлар Т.И.Саттаров, М.Д. Сапарбоев СамДАҚИ*

Шаҳар ва қишлоқларда замонавий уй-жойлар қурилиши кўлами

тўғрисида гап юритилганда куйидаги Президент қарорларини эслаш лозим:

-Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10 сон, 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари[1,2].

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги қарори[3].

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2660-сонли қарори[4].


- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3350-сонли қарори[5].

Дастлабки қарорларнинг асосий мақсади, намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилашдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Замонавий уй-жой қурилиши-қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани,

қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омил экани қайт қилинган[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167- сонли қарорига биноан, мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиши кенг кўламда йўлга қўйилган бўлса, Республикаимизда 2009-2014 йилларда жами 44500 тадан ортиқ уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилган, 2015 йилда 11609 та уй-жой қурилган, 2016 йилда 13000 та ва 2017 йилда 15000 та уй-жой қурилиши амалга оширилгани гувоҳимиз.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқларида 2009-2017 йилларда қурилган намунавий турур-жойлар тўғрисидаги маълумотлар.

Қуриладиган уйлар қишлоқларга кўрк бериб, шаҳар уйларидан қолишмайдиган шарт-шароитларга эга.

Мамлакатимизда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилиши кўламининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш, ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этгани каби кейинги йилларда шаҳарларимизда ҳам оламшумил ишлар йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли қарорига асосан 2017 йилда Республикаимизнинг барча шаҳарларида жами 187 (Самарқанд 9) та кўп қаватли уй-жойлар қурилиб уй эгаларига фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 октябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3350-сонли қарорига асосан 2018 йилда Республикаимизнинг барча шаҳарларида жами 406 (Самарқанд шаҳар, Мотрид агротехсервис ҳудудида 7-қаватли 42-квартирали 32 ) та кўп қаватли уй-жойлар қурилмоқда.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1.Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10 сонли қарори.

2.Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора –тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги қарори.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли қарори.

5.Президентимизнинг 2017 йил 23 октябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш

дастурини амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3350-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Замонавий уй-жой қурилиши-қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. “Zarafshon”. 46 (22.204). 2013 йил 20-апрел.